

Ўзбекистон Президенти Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раисини табриклади



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни 65 йиллик юбилейи билан самимий қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, биродар Туркменистон халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Гурбангули Бердимухамедовнинг замонавий Туркменистонни барпо этиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифига тайёргарлик доирасида икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо ва саноат, транспорт ва логистика, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш ҳамда ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашувни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари, шу жумладан Афғонистонда мустаҳкам тинчликни таъминлашга ва ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга кўмаклашиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон етакчиси шу кунларда Туркменистон пойтахтида ўтказилаётган олтинчи Каспий саммити муваффақиятли ўтишини тилади.

Манба